

МИНТАҚАНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРШИ БОСҚИЧЛАРИ

Йигиталиев Икромжон Зафаржон ўғли

Қарши давлат университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11232424>

Аннотация: Минтақа ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга минтақанинг ўзига хослигидан келиб чиқиладиган иқтисодий, ижтимоий ва экологик сиёсатлар замин тайёрлаши керак. Бир қатор минтақаларнинг ривожланиш стратегиялари таҳлилининг кўрсатишича уларда экологик хусусиятлар тўлиқ ҳолда ҳисобга олинмаган. Жуда бўлмаганда, ҳатто эски саноатлашган ва юқори урбанизациялашган минтақаларда ҳам экологик омил уларнинг ривожланишини чеклаб қўймоқда, иқтисодий ўсиш эса хомашё ҳудудлари билан боғланмоқда.

Калит сўзлар: Экологик чекловлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, макроиқтисодий.

Бундай вазиятда, экологик чекловлар ортидан тоғ-кон ёки металлургия саноатларини ривожлантиришни тўхтатиш керак, деган фикрга келмаслик лозим. Стратегияда ишлаб чиқаришнинг экологиялашуви фақат динамик ривожланаётган иқтисодиёт шароитларидагина мумкиндир. “Албатта атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар мавжуд. Лекин иқтисодий ўсишни чегаралаш бу муаммоларни ечмайди. Ифлосланишни чегаралаш учун иқтисодий ўсишни эмас, айнан ифлосланишни чегаралаш лозим”¹. Шундай экан, иқтисодиёт ва экологиянинг ўзаро алоқаси саноат, қишлоқ хўжалиги ва ноишлаб чиқариш тармоқларида илмий техник тараққиёт кўрсаткичлари барча йиғиндисининг, бозор муносабатларининг шаклланиши, мулкчилик шакллариининг ишлаб чиқариш ҳамда табиий ресурслар ҳисобига цивилизациялашган кенгайиши ва иқтисодиётни таркибий қайта қуришнинг бошқа муҳим йўналишларининг мажмуавий таҳлилига таяниши лозим². Минтақа моддий асосларининг йиғма ифодаси сифатида унинг иқтисодий баҳосини ёки минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ҳисоблаш керак бўлиб, бу нафақат шу ҳудудда жойлашган, у ёки бу миқдорий кўрсаткичларда ифодаланган мулкнинг ҳажмини, балки минтақада бу мулкдан фойдаланишни белгилайдиган сифат тавсифларини ҳам ҳисобга олади. Шунга боғлиқ ҳолда минтақа салоҳиятини тўрт асосий таркибий қисмга бўлиш мумкин³:

¹ Marc J. Roberts. On reforming economic Growth // Mancur Olson. Hans H. Landsberg(eds.). The no-Growth society. New york: W.W.Norton& company, Inc., 1973. P.125.

² Нестеров П.М., Нестеров А.П. / Экономика природопользования и рынок: Учебник для вузов.-М.:Закон и право, ЮНИТИ, 1997.с.3.


³ Герасимов Б. И., Тишина Л. С., Зенчева Н. В. Организационно-экономический механизм формирования региональных программ социально - экономического развития (на примере Тамбовской области) // Под науч. ред. д-ра эконом. наук, проф. Б. И. Герасимова. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2002. с. 34-35.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, минтақаларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни тартибга солиш бевосита ва билвосита, маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлардан фойдаланган ҳолда турли воситалардан фойдаланишни талаб этади.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантириш алгоритминини қуйидагича тарзда намоён этиш мумкин (1.1-расм).

Чет эл амалиётида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини шакллантиришга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар асосида индикаторларнинг уч даражали иерархиясини шакллантириш мумкин.

Ҳукуматнинг минтақавий ривожланишга таъсир кўрсатувчи тадбирлари асосий қисми умумий макроиқтисодий, ташқи иқтисодий, ижтимоий сиёсат, институционал ўзгаришлар доирасида амалга оширилади. Уларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда интеграция самараси ва ҳудудларни ялпи ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатларига мос келиши ҳисобга олинади. Давлатнинг улушли иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг танловини ўтказишда уларнинг муайян минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини ҳисобга олиш зарур.



1-расм. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари

Минтақавий ялпи дастурларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш мақсадида комбинацияланган ёндашувдан фойдаланиш мумкин (1.2-расм).

Минтақавий сиёсат кўплаб мураккабликларга эга бўлиб, улар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий омиллар билан белгиланган. Минтақалар катта ҳуқуқлар ва ҳаракатлар эркинлигига эга бўлиши билан давлат ва минтақалар ўртасида ҳам, ҳудудлар манфаатлари ўртасида ҳам зиддиятлар келиб чиқиши муқаррар. Шунинг учун оқилона давлат сиёсати зарур.

References:

1. Raxmatov Sherqo'zi Akbar Kodirov. Ta'lim jarayonida bulutli texnologiyalardan foydalanishning samaradorligi. *Pedagogis Internatsional research*. ISSN:281-4027_SJIF:4.995. 2023/5/15. Ст-69
2. Tuxtanazarova N. A Davletov A. J. , Mavlanberdiyev S. F., Norqulova Z. N., Jurayeva F. B., Jurayeva D. Sh. STUDY RATIO OF MOISTURE AND BIOME FOR EXTREME SITUATION. *ВЫСШАЯ ШКОЛА*• №23 / 2021. 2021/12/23. ст 34-36.
3. Aliqulov, Shukurullo, Ziyavutdin Turayev, and Javlon Nishonov. "BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING MATEMATIK SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA TIMSS XALQARO BAHOLASH DASTURINING ROLI VA AHAMIYATI." *Молодые ученые* 2.10 (2024): 85-90.
4. Sh.Aliqulov. M.Yaxiyaxonova. Ta'lim samaradorligini oshirishda kreativ va zamonaviy metodlarning ahamiyati. Raqamli ta'lim muhitida fanlararo integratsiyani Qo'llashning ta'lim samaradorligiga ta'siri: xalqaro Tajribalar va rivojlanish istiqbollari. 2024/3/15. ст 491-497
5. Shukurullo Fayzullo o'g'li, Aliqulov. "TA'LIMDA MULTIMEDIYA TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH." *PEDAGOGS* 50.2 (2024): 51-55.
6. ALIQULOV SHUKURULLO FAYZULLO. TA'LIM JARAYONIDA MULTIMEDIA VOSITALARINI QO'LLASH. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS VOLUME – 45 | ISSUE – 2 January – 2024*. Ст 61-65
7. Shamsiddinov, G'iyosjon, and Gulandom Raxmatova. "O 'ZBEKISTONDA AXBOROT HAVFSIZLIGINI MA'NAVIY VA HUQUQIY ASOSLARI." *Solution of social problems in management and economy* 3.4 (2024): 45-57.
8. Shamsiddinov, G'iyosjon, and Temurbek Zarifov. "GLOBAL TARMOQ QURISHDA TARMOQ QURILMALARIDAN FOYDALANISH VA TARMOQ TOPOLOGIYALARINING O'RNI." *Science and innovation in the education system* 3.5 (2024): 50-60.
9. Shamsiddinov, G'iyosjon, Jasmina Murodulloyeva, and Umida Nurmaxmatova. "YASHIL IQTISODIYOT VA YO 'NALISHLARI BO 'YICHA TA'LIM DASTURLARINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI." *Models and methods in modern science* 3.5 (2024): 44-49.
10. Shamsiddinov, G'iyosjon, Umida Nurmaxmatova, and Durdona Turayeva. "INFORMATIKA VA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING TA'LIM JARAYONIDAGI O'RNI." *Science and innovation in the education system* 3.4 (2024): 102-105.
11. Shamsiddinov, G'iyosjon, Jasmina Murodulloyeva, and Durdona Turayeva. "GLOBAL IQLIM O'ZGARISHI SHAROITIDA EKOLOGIK BARQARORLIKNI SAQLASHNING ZAMONAVIY, INNOVATSION USULLARI." *Инновационные исследования в современном мире: теория и практика* 3.3 (2024): 103-106.